

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**“АХБОРОТ СОАТИ”
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**Ҳафтанинг ижтимоий – сиёсий воқеалари
(2015 йил 12 октябрь-17 октябрь)**

№6

Тошкент – 2015

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ ҚОЗОҒИСТОНГА КЕЛДИ

КЎКШЕТАУ, 15 октябрь. ЎЗА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримов Қозоғистон Республикасининг Кўкшетау шаҳрига келди. Президентимиз 16 октябрь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси бўладиган Бурабай шаҳарчасига йўл олди. Аввал хабар қилинганидек, давлат раҳбарларининг навбатдаги учрашувида МДҲ доирасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилиш, халқаро ва минтақавий миқёсдаги долзарб муаммолар юзасидан фикр алмашиш режалаштирилган.

ЖАҲОН ПАХТА БОЗОРИНИНГ ЭНГ МУҲИМ ТАДБИРИ

Кеча Тошкент шаҳрида Президентимиз Ислom Каримов ташаббуси билан ўн биринчи марта ўтказилаётган Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси ўз ишини бошлади. Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитасининг энг муҳим тадбирлари реестрига киритилган ушбу анжуман дунё пахта ва тўқимачилик саноати мутахассислари, олимлар, йирик енгил саноат корхоналари ва савдо компаниялари вакиллари орзиқиб кутадиган нуфузли форумлардан бири ҳисобланади. Сабаби, ярмарка қатнашчилари икки кун давомида ялпи мажлис ва давра суҳбатларида иштирок этиб, жаҳон пахта бозорининг бугунги ҳолати ҳамда унинг истиқболларини муҳокама қилиш баробарида, Ўзбекистоннинг тўқимачилик саноатига хорижий инвестицияларни жалб этиш учун яратилган қулай шарт-шароитлар билан яқиндан танишиш имкониятига ҳам эга бўладилар. Энг асосийси, биржа савдоларида қатнашиш, юқори сифатли ўзбек пахта толаси ва ундан тайёрланган рақобатдош тўқимачилик маҳсулотларининг олди-сотдиси бўйича тўғридан-тўғри савдо битимлари тузишга эришади. Шунинг учун ҳам, тадбир нуфузи ортиб, унга бўлган қизиқиш тобора кучаймоқда. Унда иштирок этаётган давлатлар жуғрофияси ҳам, ташриф буюраётган бизнес тузилмалари вакиллари сони ҳам муттасил ошиб бораётгани шундай дейишимизга асос бўла олади. Агар 2005 йилда бўлиб ўтган дастлабки ярмаркага жаҳоннинг 30 давлатидан 170 та компания ва фирма вакиллари ташриф буюрган бўлса, бу йилгисида 40 та мамлакатнинг 1000 дан зиёд компаниялари намояндалари қатнашаётгани назарда тутилса, ярмарка жаҳон пахта бозорининг энг муҳим анжуманига айланганини билиш қийин эмас. XI Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасининг очилиш маросимида сўзга чиққанлар алоҳида қайд этганидек, мамлакатимиз пахта етиштириш ва уни экспорт қилиш бўйича дунёда етакчи давлатлар сафидан мустаҳкам жой эгаллаган. Зеро, пишиқ толамиз, ундан тайёрланаётган маҳсулотларимизга бўлган талаб тобора ортиб борапти. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки пахтачилик тармоғида бой тажрибага эга юртимизда сифатли хом ашё етиштириш, уни қайта ишлаш ҳамда етказиб бериш бўйича мукамал тизим шакллантирилган. Шу билан бирга, тўғри экспорт сиёсати юритилиб, барча харидорларга тенг имконият яратилмоқда. Пировардида ҳамкорлар сафи йил сайин

кенгайиб, қўлга киритилаётган муваффақиятлар янада мустаҳкамланаётир. 2014 йилнинг якунларига кўра, 1 миллиард АҚШ долларилек кўшимча қийматга эга тўқимачилик маҳсулотлари экспорт қилингани бунинг тасдиғидир. — Кейинги йилларда жаҳон бозоридаги талаб-таклифдан келиб чиққан ҳолда, пахта толасининг баҳоси ўзгариб турган бир шароитда ўзбек толасига бўлган эҳтиёжнинг муттасил ўсиб бораётгани эътиборга молик, — дейди “Cotton Outlook” халқаро ахборот агентлигининг бошқарувчи директори Р. Батлер. — Бу борада аллақачон соҳадаги муҳим воқеликлардан бирига айланган Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси юқори савияда ташкил этиб келинаётгани муҳим омил бўлмоқда. Ярмаркада шартнома тузиш, етказиб бериш ва тўловни амалга ошириш бўйича ҳеч қандай чекловнинг мавжуд эмаслиги эса савдоларнинг самарали бўлишини таъминляпти. Таҳлилларга қараганда, Ўзбекистонда кейинги йилларда кўплаб замонавий тўқимачилик корхоналари барпо этилиб, хом ашёни шу ернинг ўзида чуқур қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Натижада ҳозирги пайтда етиштирилган ялпи ҳосилнинг 40 фоиздан зиёди маҳаллий корхоналарда қайта ишланаяпти. Ваҳолонки, ўтган яқин йиллар ичида бу кўрсаткич 20 фоизга тенг эди. Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан амалга оширилаётган тузилмавий ислоҳотлар, хусусан, республикамизнинг чекка ҳудудларида ҳам янги қувватлар ишга туширилаётгани, мавжудлари тубдан модернизация қилинаётгани туфайли толани чуқур қайта ишлаш ҳажми муттасил равишда ортмоқда. Эътиборлиси, бу борадаги ишлар кўлами тобора кенгайтирилмоқда. Сабаби, яқин йиллар ичида пахта ҳосилининг 70 фоизини қайта ишлашга эришишимиз лозим.

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ ЯНГИ АВЛОДНИНГ ЖАМИЯТДА МУНОСИБ ЎРИН ЭГАЛЛАШИДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛМОҚДА

Маълумки, Президентимизнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига йўллаган байрам табригида амалда ўзини оқламаган эски мустабид тузумнинг қолип ва ақидаларидан бутунлай холи бўлган, тез ва шиддат билан ўзгариб бораётган замон билан ҳамқадам бўлиб, янгича, мустақил фикрлайдиган, тараққий топган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашувга тайёр, изланиш ва доимо изланиш, ғурур ва ифтихор билан яшайдиган янги авлодни тарбиялаш бўйича улкан вазифалар адо этилганига алоҳида тўхталиб ўтилди. Дарҳақиқат, мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб таълим-тарбия соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, унга миллий кадриятларимизга уйғун ҳолда замонавий ютуқларни татбиқ этишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилди. Машхур беш тамойилга асосланган тараққиётнинг “ўзбек модели” ана шу янгиланишларда муҳим дастуриламалга айланди. Шу асосда республикамиз мазкур жабҳада ҳам қисқа вақт ичида асрларга татиғулик ютуқларга эришди. Энг аввало, ушбу жараёнларда тегишли ташкилий-ҳуқуқий асослар мустаҳкамланди. Фуқароларимизнинг сифатли таълим олишига оид ҳуқуқлари Конституциямизда белгилаб қўйилди. “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий

дастури қабул қилинди. Улар ижросига мувофиқ, 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик мажбурий таълимнинг жорий этилиши ёшларнинг чуқур билим эгаллаши, қизиқиши, имконияти ва салоҳиятидан тўлиқ фойдаланган ҳолда, муносиб касб танлаши, шу орқали жамиятда ўз ўрнини топишида пойдевор вазифасини ўтаяпти. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, “Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори, авваламбор фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўткир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак”.

ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ

Тошкентда бўлиб ўтаётган “Марказий Осиёда саратонга қарши кураш бўйича халқаро форум”да кенг муҳокама қилинаяпти. Мазкур нуфузли тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар, халқаро ташкилотлар вакиллари, ёш тадқиқотчилар, шунингдек, Ўзбекистон, АҚШ, Австралия, Бельгия, Россия, Ҳиндистон, Беларусь каби йигирмадан зиёд давлатлардан икки юзга яқин олимлар, шифокорлар, онкологлар қатнашмоқда. Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар юртимизда истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб аҳоли саломатлигини асраб-авайлаш, баркамол авлодни вояга етказиш, энг сўнгги талабларга жавоб берадиган тиббиёт инфратузилмасини шакллантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Ўз навбатида, Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, амалиётга изчил татбиқ этилган тараққиётнинг “ўзбек модели” ана шу ислохотлар рўёбида бош дастуриламал бўлаяпти. Шунини алоҳида қайд этиш жоизки, мазкур халқаро анжуман МДХ давлатлари орасида илк марта Ўзбекистонда ўтказилаётир. Форумда кўрилаётган масалалар бўйича ишлаб чиқиладиган якуний хулосалар барча иштирокчи мамлакатлар онкологларининг кейинги фаолиятида муҳим дастур сифатида қўлланилиши билан янада аҳамиятлидир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда хавfli ўсмалар билан касалланиш кўрсаткичлари ортиб бораётир. Масалан, ҳар йили Европа қитъасида саратон касаллиги қарийб 3,5 миллион инсонда аниқланиб, уларнинг 1 миллион нафардан зиёди ҳаётдан бевақт кўз юмаяпти. Мазкур рақамлар, айниқса, экологик муҳит носоғлом давлатларда юқориликча қолмоқда. Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда мустаҳкамлаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш, экологик барқарорликни таъминлашга қаратилаётган эътибор онкологик хизмат сифати юксалиб бораётганида ҳам ўз ифодасини топяпти. Хусусан, илғор ташхислаш ва даволаш усуллариининг жорий этилиши, бирламчи профилактика ҳамда скрининг текширувлари қўлланилиши натижасида беморларда онкологик касаллик эрта босқичида аниқланиб, уларнинг умр кўриши кўрсаткичлари янада яхшиланиши кузатилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 мартдаги “Тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мамлакатимизда онкологик хизмат ривожига яна бир муҳим пойдеворга айланди. Унга мувофиқ, соҳада туб ўзгаришлар юз берди. Республикаимиздаги

онкология муассасалари қайта қурилди ва реконструкция қилинди. Улар замонавий радиотерапевтик, ташхислаш ускуналари ҳамда бошқа замонавий қурилмалар билан жиҳозланди. Буларнинг барчаси юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатилишига хизмат қиляпти. Ўз навбатида, давлат бюджети томонидан жабҳани ривожлантириш учун ажратилаётган маблағлар миқдори икки баробар оширилди. Унинг моддий-техника базасини янада такомиллаштириш йўлида дунёнинг нуфузли молия институтлари инвестициялари ҳам жалб қилинаётир. — Юртимизда онкологик хасталикларнинг олдини олиш ва уни самарали даволашга алоҳида эътибор билан ёндашилмоқда, — дейди Республика онкология илмий маркази директори Саримбек Наврўзов. — Марказимиз шаҳар ва вилоят онкологик диспансерлари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларга илмий-амалий жиҳатдан кўмак бериш ҳамда беморларга малакали ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш каби муҳим вазифаларни бажаради. Шифо масканимиз 375 ўринга мўлжалланган бўлиб, ўн тўртта клиник бўлим, учта илмий, битта клиник лаборатория, шунингдек, нур, ультратовуш диагностикаси, юқори энергия ва патоморфология бўлимларидан иборат. Клиник бўлимларда барча аъзоларнинг онкологик касалликлари жарроҳлик, кимётерапия ҳамда нур терапиясини комплекс қўллаш усули билан даволанади. Зеро, марказда жаҳон тиббиётининг энг сўнгги ютуқларини амалиётга татбиқ қилиш устувор йўналишлардан биридир. Анжуманда эътироф этилганидек, сўнгги етти-саккиз йил ичида марказда меъда, йўғон ичак ва қовуқ саратони хасталикларидан жарроҳлик йўли билан олиб ташланган аъзолар фаолиятини тиклашда ижобий натижаларга эришилди. Диққатга сазовор жиҳати, МДХ мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб, меъда олиб ташланганидан сўнг ушбу аъзо фаолиятини ингичка ичакдан фойдаланган ҳолда, пластик-тиклаш жарроҳлиги қўлланилмоқда. Мазкур услуб ўз самарасини берапти. Шундай амалиётлар бугунги кунгача юзлаб беморларда қўлланилди. Улар орасида хасталикдан фориг бўлгач, соғлом ҳаёт кечириб, яна меҳнат фаолиятини давом эттираётганлар кўпчиликни ташкил қилади. Энг муҳими, бундай ноёб ва мураккаб жарроҳлик амалиётлари фақат республика муассасасида эмас, балки вилоятлар ҳамда шаҳарлар онкологик диспансерлари мутахассислари томонидан ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда. Зотан, жойлардаги ихтисослаштирилган онкологик даволаш муассасаларида юқори технология асосидаги мураккаб жарроҳлик амалиётларини ўтказиш учун барча шарт-шароит яратилгани беморлар умрига умр қўшишда муҳим роль ўйнаяпти. Шулар қаторида, марказ етакчи мутахассислари вилоят ва туманларга бориб, ўсмаолди ва эрта босқичдаги ўсма турларини аниқлаш борасида кенг кўламли ишларни амалга оширмоқдалар. Онкологиянинг долзарб муаммолари бўйича маърузалар ҳамда маҳорат дарслари ўтказилмоқда. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликлар истеъмолини жамоат жойлари, мактаблар ҳамда шифохоналарда чеклаш бўйича чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Бу каби тадбирларга олий ўқув юртлари, коллеж ўқитувчи-ўқувчилари, бирламчи бўғин ва умумий амалиёт шифокорлари, туман онкологлари жалб этиляпти. Булар эса ўсма касалликларининг олдини олиш, уларни эрта аниқлаш ҳамда онкологик эҳтиёткорлик даражаси сезиларли ортишида катта аҳамиятга эга бўляпти. Беморларни ҳисобга олишда ягона электрон база яратилгани соҳадаги яна бир ютуқдир. Шу асосда хавфли ўсма касалликлари билан

хасталанган беморларни ҳисобга олиш, уларни текшириш, даволаш ва кузатиш ишлари устидан доимий мониторинг олиб бориш имконияти яратилди. Мутахассисларни халқаро талаблар асосида тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш ҳам доимий диққат-эътиборда. Анжуман якунида тегишли резолюция қабул қилинади. Мазкур хужжат хавфли ўсмаларни ташхислаш ҳамда даволаш дастурини амалга ошириш, онкологик беморлар ҳаёти сифатини яхшилаш ва барча давлатлар онкологларининг ҳамкорликда фаолият юритишларини кўллаб-қувватлаш мақсадида соҳадаги етакчи журналларда нашр қилиниб, тиббиёт илми мутахассисларининг кенг доирасига етказилади. Бу эса онкологик касалликларнинг олдини олиш, аҳолига ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни халқаро стандартлар даражасига етказишда алоҳида ўрин тутади. Умуман, иштирокчилар фикрига кўра, форум МДХ давлатлари онкологияси мактаби ривожини учун яна бир илдам қадам бўлиши, шубҳасиз. — Мен Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришларни мунтазам кузатиб бораман, — дейди МДХ ва Евроосиё онкология ҳамда рентгенология институтлари ва марказлари директорлари ассоциацияси (ADIOR) ижрочи директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Лев Демидов. — Айниқса, тиббиёт соҳасида эришилаётган ютуқларингизга кўпчиликнинг хаваси келмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимида самарали ислохотлар олиб борилиб, қатор давлат дастурлари амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш керак. Бу ўз натижаларини берапти, албатта. Худудларда замонавий тиббиёт муассасалари тармоғи, жумладан, ихтисослаштирилган педиатрия, акушерлик ҳамда гинекология илмий-амалий, перинатал ва скрининг марказлари, туғуруқхона мажмуалари, худудий кўп тармоқли болалар тиббиёт марказлари қатори онкология диспансерлари ҳам фаолияти йўлга қўйилгани диққатга сазовордир. Республика онкология илмий маркази фаолияти билан яқиндан танишман. У кўркам биноларда жойлашган, замонавий жиҳозлар, малакали мутахассислар билан таъминланган. Форум ўзаро ҳамкорлигимизни янада ривожлантиришга туртки беришига ишончим комил. Унда замонавий онкохирургия асосларига оид маърузам билан иштирок этаяпман. — Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов томонидан тиббиёт соҳасини ривожлантиришга юксак даражада эътибор қаратилаётганидан яхши хабардоримиз, — дейди Халқаро соғлиқни сақлаш маркази директори Эдвард Тримбл (АҚШ). — Бу ердаги соғлиқни сақлаш муассасаларида яратилган шарт-шароитлар, шифокорларнинг билим ҳамда тажрибаси билан яқиндан танишган киши бунга тўла ишонч ҳосил қилади. Юксак савияда ташкиллаштирилаётган ушбу анжуман унинг иштирокчилари учун онкология йўналишида мамлакатингиз ҳамда бошқа давлатларда амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилиш, бу борада орттирилган тажрибани ўрганиш, ҳамкасблар билан ўзаро фикр алмашиш, ҳамкорлик истиқболларини кўриб чиқиш имконини бермоқда. — Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, хусусан, онкология тизими билан танишув чоғида жабҳада илғор шакл ҳамда услублар амалиётга жорий қилинаётганига шоҳид бўлдим, — дейди Халқаро саратонга қарши курашиш иттифоқи президенти (UICC) Тэзер Кутлук. — Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ аҳоли саломатлигини асраб-авайлаш, бунинг учун зарур инфратузилма, моддий-техник база барпо этишга устувор аҳамият қаратилгани кўп ўтмай ўз самараларини бергани ҳақида яқиндан хабардор бўлдим. Чекка худудларда янги, ихчам ва замонавий врачлик пунктлари, туман тиббиёт бирлашмалари ташкил қилингани эл саломатлиги

муҳофазаси, жамиятда соғлом турмуш тарзини чуқур қарор топтиришнинг ажралмас бўғинига айланган. Шулар қаторида, онкологик хизмат такомиллаштириб борилапти. Булар ўсма касалликларини эрта босқичларда аниқлаш, беморларни ҳаётга қайтариш, уларнинг умрини узайтиришга йўналтирилган, албатта. Ўтказилаётган форум онкологик беморларни ташхислаш, даволаш ва реабилитациясида қўлланилувчи технологиялар, тадқиқотлар бўйича ўзаро фикр ҳамда тажриба алмашиш, самарали алоқаларни йўлга қўйишда катта имкониятдир. — Ушбу анжуман онкологиянинг долзарб масалаларини ҳамкорликда кўриб чиқиш, янгиликларни оммалаштириш, истиқболдаги вазифаларни белгилаб олиш учун яхши имкониятдир, — дейди Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Асмус Хаммерих. — Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимида, хусусан, онкология соҳасида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар алоҳида эътирофга лойиқ. Мазкур тадбир эса бу йўналишдаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, фикр ва тажриба алмашиш, кўшма лойиҳаларни амалга оширишда муҳим ўрин тутди. Анжуманнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икрамов сўзга чиқди.

«DIPLOMAT MAGAZINE»: «МУСТАҚИЛЛИК ЎЗБЕКИСТОН ҲАЁТИДАГИ ТОМ МАЪНОДА МУҲИМ ТАРИХИЙ ВОҚЕА БЎЛДИ»

Бельгия ва Нидерландиянинг нуфузли “Diplomat magazine” журнали саҳифаларида “Ўзбекистон мустақиллигининг 24 йиллиги нишонланди” сарлавҳали мақола эълон қилинди. Материалда Нидерландиянинг Гаага шаҳрида бўлиб ўтган, мамлакатимизнинг замонавий тараққиётига бағишланган тақдирот тафсилотлари қаламга олинган. Мазкур тадбирда сиёсий жамоатчилик, эксперт, ишбилармон, маданий доиралар ҳамда дипломатия миссиялари вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди. “Мустақиллик Ўзбекистон тарихида янги саҳифа очиб бергани ҳолда, мамлакат ҳаётининг мазмун-моҳиятини тубдан ўзгартириб юборувчи, халқни эски тоталитар тузум асоратларидан халос қилган том маънодаги муҳим тарихий воқеа бўлди”, дея ёзилади нуфузли нашрда. Мақолада Ўзбекистон тарихан қисқа давр мобайнида асрларга тенг йўлни босиб ўтгани ҳамда бугун барқарор сиёсий тизим ва кучли фуқаролик жамиятига эга бўлган, изчил ривожланиб бораётган замонавий мамлакатга айлангани эътироф этилган. Шунингдек, ҳозирги пайтда республикамиз дунёда иқтисодиёти тез суръатлар билан ўсиб бораётган давлатлар ичида бешинчи ўринни эгаллаб турганига алоҳида урғу берилган. Хусусан, унда хорижий ҳамкорлар билан амалга оширилиши кўзда тутилган, умумий қиймати 38 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 870 та йирик сармоявий лойиҳаларни қамраб олувчи 2015 — 2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастурига катта аҳамият қаратилган. “Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш

концепцияси давлат ҳамда жамият ҳаётида жиддий янги босқични бошлаб берди. Ушбу ҳужжат давлат ҳокимияти асослари ва давлатнинг ижтимоий-сиёсий тузилмасини кенг миқёсда ислоҳ этишни кўзда тутди”, дея қайд этилади мазкур манбада. Мақолада келгуси йили Флоренция шаҳрида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида ҳамкорлик ва шериклик тўғрисида битим имзоланганига 20 йил тўлиши таъкидлаб ўтилган. Ушбу ҳужжат юртимизнинг ЕИ ҳамда унга аъзо давлатлар, жумладан, Бельгия ва Нидерландия билан икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириши учун ҳуқуқий пойдевор бўлгани айтиб ўтилган. “Diplomat magazine” журналида Ўзбекистон Республикаси билан Нидерландия Қироллиги ўртасида сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларда икки томонлама манфаатли алоқаларни янада мустаҳкамлаш, шунингдек, Европа Иттифоқи мамлакатлари билан узоқ муддатли амалий шериклик муносабатларини боқичма-босқич тараққий топтириб бориш муҳим аҳамиятга эга эканлиги хулоса сифатида таъкидлаб ўтилган.

БОКСЧИЛАРИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛИГИГА ДАЪВОГАР

Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида бокс бўйича давом этаётган катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида уч нафар спортчимиз финалга чиқди. Жумладан, вазни 56 килограммгача бўлган иштирокчилар баҳсида Муроджон Аҳмадалиев ҳиндистонлик Шива Тапани, Фазлиддин Ғоипназаров (64 килограммгача) таиландлик Вуттичай Масукни, Бектемир Мелиқўзиев (75 килограммгача) эса ирландиялик Майкл О’Рейллини мағлубиятга учратиб, ана шундай имкониятни қўлга киритди. Олтин медаллар тақдирини ҳал этадиган беллашувлар 14-15 октябрь кунлари ўтказилади. Шунингдек, терма жамоамиз аъзоларидан Элнур Абдураимов, Элшод Расулов ва Баҳодир Жалолов ярим финалда иштирок этади. Айтиш жоизки, мазкур дунё биринчилигида ғалаба қозонган чарм қўлқоп усталари келгуси йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказиладиган XXXI Олимпиада ўйинлари йўлланмасига ҳам эга бўладилар. **Нуфузли турнир бошланди.** Пойтахтимизда теннис бўйича АТР таснифидаги “Tashkent Challenger — 2015” халқаро турнири бошланди. Республика олимпия захиралари теннис мактаби кортларида бўлиб ўтаётган бу галги баҳсларда дунёнинг йигирмага яқин мамлакатидан ракетка усталари иштирок этаяпти. Унда ҳамюртларимиздан Денис Истомин, Фаррух Дўстов, Жўрабек Каримов, Санжар Файзиев, Темур Исмоилов, Шониғматжон Шофайзиев, Ҳумоюн Султонов, Саидаъло Саидкаримов ўз имкониятларини синовдан ўтказишга киришишган.

Ахборот соати раҳбари

Тугалов А